ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

«ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ ВА СЕРВИСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ»

мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани
(Самарқанд, 2018 йил 25-28 май)
II - Қ И С М

International scientific-practical conference on the theme

«INTERNATIONAL ADVANCED EXPERIENCE OF THE DEVELOPMENT OF TOURISM SERVICES AND ISSUES OF ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN»

(Samarkand, 2018 year 25-28 may)
P A R T - II



АҲАМИЯТИ ТАҲЛИЛИ..... 225
А.Т.Ахмедова ВЛИЯНИЕ ОЦЕНКИ ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ НА ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ПРЕДПРИЯТИЯ В СФЕРЕ УСЛУГ 227
З.Ахроров ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ БАРҚАРОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ..... 229
Б.Ф.Боронов КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ..... 232
Ш.З.Жалилов, Ш.Б.Омонов, Ш.А.Бахронов ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ..... 234
Ш.З.Жалилов, А.А.Сиддиқов, Б.Дж.Иштурдиев АГРОБИЗНЕСНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ БОШҚАРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 236
Ш.З.Жалилов, Ҳ.А.Одинақулова, К.Ғ.Мухаммадиев ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРНИНГ ЎРНИ 238
А.П.Хазратов, Л.У.Махмудов РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ДАВРИДА “ЭЛЕКТРОН САВДО”НИНГ АҲАМИЯТИ..... 241
А.П.Хазратов, Л.У.Махмудов ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЭЛЕКТРОН БОЗОР..... 242
З.М.Мухаммедова, К.У.Ахророва ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ..... 244
S.Sh.Baxriddinov, I.Z.Usanov, D.Norboyeva BANK–MOLIYA XAMDA KREDIT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHDA YOSHLARNING ISHTIROKINI JADAL-LASHTIRISH MUOMMOLARI..... 246
М.С.Хамроев, Д.Ш.Хусанова САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРИ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛИЯВИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ. 248
З.Ш.Ҳайдаров, Д.М.Маликова, М.Тўхтаева, Р.Уралов, БАНК КРЕДИТЛАШ ХИЗМАТЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ 250
О.Х.Холиқулов ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТ-ЛАРНИ КЎРСАТИШ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ..... 253
Ш.З.Жалилов, А.А.Маматов, Б.Дж.Иштурдиев, К.Ғ.Мухаммадиев ИҚТИСО-ДИЁТИМИЗГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ФОНД БОЗОРЛАРИНИНГ РОЛИ..... 256
У.А.Ширинов МОБИЛ АЛОҚАДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 259
У.А.Ширинов, Э.Т.Эргашев, Ю.А.Мавлонов МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИ-СОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ..... 261
Н.Отамуродов ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛ-МУЛКСОЛИҒИ МЕХАНИЗМЛАР-ИДАГИ МУАММОЛАР..... 263

V-ШЎЪБА ТУРИЗМ ВА СЕРВИС СОҲАЛАРИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ.

S.Tashmatov, O’.Daminova TURIZM SOHASIDA YETUK KADRLAR TAYYORLASH - TARAQQIYOT OMILI..... 266
Ж.Б.Ахтамов ТАЛАБА ВА ЁШЛАР ХАЁТИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЁРДАМИДА ЖИСМОНИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ХОСИЛ ҚИЛИШ..... 268
С.Ҳусенов, Ж.Ахмедов ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ГЛОБАЛ ИНДЕКСИ..... 270

д) майдон катталигини ўзгартириш билан;

е) қоидаларни ўзгартириш ва уйинчилар вазифасини алмаштириш билан.

Ўйиннинг давомийлиги ўйин характерига, машғулотлар шароитларига ва шуғулланувчилар таркибига боғлиқ. Бошқарувчи ўйинни болалар чарчаб қолмасдан якунлаши, уларнинг харакатлари тулиқ хис-хаяжонли булган вақтда, уйинга қизиқиш уйғотиши керак.

Ўйин натижаларининг аниқланиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйин тугагач бошқарувчи унинг натижаларини эълон қилиши керак. Ўйин натижаларини, болаларнинг ўз ҳаракатларини туғри баҳолашга ўргатиш учун хаққоний, хеч кимни назардан четда колдирмасдан эълон қилиш керак.

Ўйин натижалари эълон қилинаётганда, қатнашчиларнинг техник ва тактик ҳаракатларида йўл қўйилган хатоларини кўрсатган холда тахлил қилиниши зарур.

ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ГЛОБАЛ ИНДЕКСИ

С.Ҳусенов - СамИСИ докторанти
Ж.Ахмедов - СамИСИ магистранти

Аннотация: *В этой статье обсуждается важность и значение человеческого капитала. Кроме этого, разесняется судь субиндексов использованные для расчета человеческого капитала в отчете Всемирного Экономического Форума.*

Ключевые слова: *человеческий капитал, субиндекс, потенциал, расширение, развитие, ноу-хау.*

Annotation: *The article discusses the actuality and importance of human capital. In addition, the essence of subindexes used to calculate human capital in the report of the World Economic Forum are exposed.*

Keywords: *human capital, subindex, potential, expansion, development, know-how.*

"XXI аср–интеллектуал тафаккур асрида инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади"[147].

Инсон капитали мамлакатлардаги тараққиётни баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичи сифатида фойдалана бошланди[148]. Инсон капитали иқтисодий ўсиш-нинг мажмуавий тарзда қўллаб-қувватловчи инструмент бўлиб, инсон капитали тўғридан-тўғри инсон тараққиёти билан узвий боғлиқ ва ушбу категория иқтисодий ўсишнинг сон ва сифат жиҳатидан ривожланишини таъминлаши муқаррардир[149]. Бундан ташқари, дунёнинг ривожланган давлат-лари ва етакчи халқаро ташкилотлари инсон капиталини шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ концепцияларни устувор вазифа сифатида алоҳида кўрсатмоқдалар. Шундай экан, ушбу мақола мамлакатлар иқтисодий тараққиётини муҳим ўрин тутган инсон капиталининг глобал тенденсияларини ўрганишга бағишланади. Ҳозирги кунда инсон капиталининг глобал тенденцияларини аниқлаш борасида халқаро майдонда жуда катта илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2013 йилдан бошлаб Жаҳон иқтисодий форуми ва Гарвард университети ҳамда инсон ресурслари сохасида халқаро консалтинг компанияси (Mercer Human Resource Consulting) билан ҳамкорликда инсон капиталининг глобал индексини (Global Human Capital Index) ҳисоблаш бўйича тадқиқотларни амалга оширимоқда. Мазкур ташкилот томонидан

[147] "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси.// "Халқ сўзи" 2012 йил 22 февраль.

[148] The Global Human Capital Report. Word Ekonomic Forum. Geneva, Switzerland. 2017. P 5

[149] Mahbub ul Haq. Reflection on Human Development. Oxford University Press. New-York. P 3

йили турли субиндекслар орқали инсон капитали индекслари ҳисоблаб, маърузалар тақдим этилмоқда. Инсон капиталининг 2017 йилдаги глобал индексини ҳисоблашда 130 дунё мамлакатлари маълумотларидан фойдаланилган. Ҳисоботга киритилган 130 мамлакатда дунё аҳаолисини 93 фоизи яшайди. Қолаверса бу мамлакатлар жаҳон ялпи ички махсулотининг 95 фоизини яратишга иштирок этишади. Ушбу мамлакатларнинг кенг жўғрофик минтақаларда жойлашишига қарамасдан улар ўз инсон капиталини ривожлантиришда кенг миқёсда умумий муваффақиятларини намойиш этмоқдалар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра дунё бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 62 фоизни ташкил этади, ёки аксинча дунё мамлакатлари ўз инсон капитали салоҳиятининг 38 фоизидан фойдаланмаяпти. Минтақавий даражада инсон капиталининг ривожланишидаги узилиш Шимолий Америка ва Ғарбий Европада энг кам. Осиё ва Африканинг Сахарийнинг жануб қисмида энг юқори даражада. Шундай бўлсада, хар бир минтақа инсон капиталининг турли аспектларида бутун дунё миқёсида инсон капиталининг умумий натижалари кўринади. Инсон капиталининг глобал индекси шуни кўрсатадики, ўз инсон капиталини тўлиқ ривожлантириш учун янада кўпроқ ишлар қилишлари мумкин. Бутун индес бўйича фақат 25 мамлакат 70 фоиз инсон капиталини тўплаган, бу кўрсаткич кейинги 50 та мамлакатда 50 фоизни ташкил этади[4]. Бу вазирда ушбу мамлакатар ўз инсон капиталининг ярмидан фойдаланаётганлигини кўрсатади. (1- Расм)

1-расм. Минтақалар бўйича инсон капиталини ривожланиши



Манба: Инсон капитали Глобал индекси 2017.

Мазкур ташкилот 2017 йилда 130 мамлакатда инсон капиталини қай даражада ривожлангани яъни, 0 (ёмон)дан 100 (энг яхши) даражагача тўртта тематик субиндекслар: салоҳият, кенгайтириш, ривожланиш, ноу-хаулар бўйича ва бешта ёш гуруҳлари ёки авлодлар 0-14 ёш, 25-54 ёш, 55-64 ёш ва 65 ёшдан катталарни қамраган ҳолда ўрганиб чиқилди. Салоҳият субиндекси яхшироқ таълим олган аҳоли янги технологиялар, инновациялар ва жаҳон миқёсидаги рақобатга мослашишга кўпроқ тайёр бўлади. Салоҳият субиндекси расмий таълим олишни ишчиларнинг ёш гуруҳлари кесимида тўрт йўналишда

[4] The Global Human Capital Report 2017 у, 7 бет

ўрганиб чиқади. Булар аҳолининг саводхонлик ва ҳисоб китоб асосларини билиш даражаси, бошланғич, ўрта ҳамда олий ва ундан кейинги таълимни эгаллаш даражаларининг фоиз кўрсаткичларидир. Имконият субиндекси инсон капитали нафақат расмий таълим орқали балки иш жойининг ўзида бажариш, кўникма ҳосил қилиш, ҳамкасблар билан тажриба алмашиш орқали ўрганиш билан ҳамда иш жойининг ўзида, ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда таълим бериш орқали ҳам ошириб борилади. Имконият субиндекси умуман ишчи кучи ва унинг сегментлари (аёллар, ёшлар, кекса ёшдагилар) қай даражада меҳнат бозорига жалб қилингани ҳамда уларнинг иқтисодиё фаоллик даражасини акс эттируви кўрсаткич ҳисобланади. Бу ерда иқтисодий фаол аҳоли таркибига ҳозирги кунда ишлаётган ва бундан ташқари иш қидираётган аҳоли ҳам киритилган. Ишсизлар гуруҳига эса ҳозирги кунда ишламаётган лекин ишлаш истаги бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли киритилган. Бу субиндекс таркибига тўлиқсиз бандлик даражаси ҳам киритилганки, у ҳозирги кунда ишлаётган лекин янада кўпроқ ишлашга хоҳиш ва имконияти мавжуд ишчи кучи миқдорини белгилайди. Бундан ташқари бу субиндекс бутун жаҳонда ўта ўткир муаммолардан бири бўлмиш жинслар ўртасидаги иқтисодий фаоллик даражасини ҳам қамраб олади. Ривожланиш субиндекси янги авлод ишчиларининг таълим олиши ҳамда мавжуд ишчи кучини узлуксиз равишда малакасини ошириб бориш ва қайда тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олади. Келажакдаги ишчи кучи ҳисобланмиш болалар ва ёшларнинг таълим олиш учун имкониятларини ҳисоблаш учун давлат миқёсида 15 ёшгача бўлганлар ҳамда 15-24 ёш гуруҳларида бўлган аҳолининг бошланғич, ўрта, олий ва ундан кейинги таълимга эга бўлганлар даражаси билан биргаликда бу кўрсаткичлар жинслар ўртасидаги натижалари ҳам таҳлил қилинади. Бундан ташқари бу субиндекс ўз ичига иккита сифат кўрсаткичини қамраб олади бўлар бошланғич таълим сифати ва таълим тизимининг рақобат муҳитидаги иқтисодий ҳамжамият, иш берувчилар талабларига қай даражада жавоб бера олишини.

Бундан ташқари субиндекс таркибига битирувчиларнинг мутахассисликлар бўйича маълумотлари орқали малакатнинг турли йўналишлар бўйича салоҳиятини ҳисобга олиш киритилган. Ниҳоят субиндекс Бутунжаҳон Иқтисодий Форумини ходимларнинг малакасини расмий ошириш тўғрисидаги маълумотлар асосида вояга етган ишчи кучини узлуксиз равишда, бутун фаолияти давомида, малакасини ошириб бориш билан боғлиқ кўрсат-кичларни қамраб олган. Ноу-хау субиндекси эса илғор технологияларни яратиш билан боғлиқ билимларининг эгалланганлик даражасини акс эттиради. Бунда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товар ва хизматлардаги илғор технологияларнинг улуши ҳисобга олинади. Бундан ташқари бу индекс мамлакатдаги иш берувчиларнинг иш ўринларини юқори ва ўрта малакали мутахассислар билан тўлдира олиш имкониятларини ҳам баҳолайди. Бутунжаҳон иқтисодий форуми ташкилоти юқорида келтирилган субиндекслар орқали инсон капиталини умумий индексини ҳисоблаб қўйидаги натижаларни эълон қилишган. (1-жадвал)

1-жадвал

Инсон капиталининг глобал индекси

Давлатлар	Умумий индекс		Салоҳият субиндекси		Имконият субиндекси		Ривожланиш субиндекси		Ноу-хау субиндекси	
	Балл	ўрин	Балл	Ўрин	Балл	ўрин	Балл	ўрин	Балл	Ўрин
Норвегия	77.12	1	80.46	13	73.18	24	82.63	6	72.22	6
Филяндия	77.07	2	81.05	8	65.09	68	88.51	1	73.62	2
Швейцария	76.48	3	76.36	28	69.12	42	84.87	2	75.57	1
АҚШ	74.84	4	78.18	22	68.72	43	83.45	4	68.99	13
Дания	74.40	5	79.37	16	71.41	34	78368	14	68.18	17
Германия	74.30	6	76.33	29	69.52	40	79.38	12	71.96	7
Янги Зелландия	74.14	7	78.92	18	72.76	27	80.38	8	64.50	22

Швеция	73.95	8	76.21	31	69.60	39	77.10	16	72.89	3
Словения	73.33	9	81.10	7	68.90	64	79.21	13	67.10	18
Австрия	73.29	10	73.71	45	68.00	44	81.53	13	67.10	18
Сингапур	73.28	11	76.45	27	70.52	36	73.62	25	72.52	4
Эстония	73.13	12	80.94	10	72.70	28	76.20	18	62.68	26
Голландия	73.07	13	74.09	43	65.37	67	83.60	3	69.22	12
Канада	73.06	14	80.38	15	71.96	32	74.06	22	65.85	20
Бельгия	72.46	15	75.14	35	63.39	75	82.84	5	68.47	16
Россия	72.16	16	83.19	4	74.33	18	72.97	33	58.14	42
Япония	72.05	17	80.96	9	66.32	62	73.92	23	67.00	19
Исроил	71.75	18	70.70	58	70.56	35	74.69	21	71.03	8
Ирландия	71.67	19	75.47	34	62.33	78	80.04	10	68.84	15
Австралия	71.56	20	78.44	20	66.20	63	80.24	9	61.36	29

Манба: The Global Human Capital Report 2017 у, 8 бет

ТУРИЗМ ВА СЕРВИС СОҲАЛАРИ УЧУН РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

Саломов Ф.Ф- СамИСИ ассистент.

Аннотация: *На этой статьи проанолизировано проблемы подготовки конкурентноспособние кадры в сфере туризма и сервиса и дано предложение*

Ключевые слова: *международный, образование, международный стандарты, практика, специализация.*

Annotation: *In this article analyzed the problems prepare competency specialists in the sphere tourism and service and given supplies*

Keywords: *international, education, international standards, practice, specialization.*

Халқаро ижтимоий-иқтисоди тараққиётининг ривожланиши, кишилик жамиятнинг барча давр ва босқичларда, фан-техника ривожи билан боғлиқ бўлиб, бунда инсониятнинг умумий билим даражаси ва ҳар бир ходимларнинг интелектуал салоҳияти билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб, босқичма-босқич тараққиётга эришиб келмоқда.Мамлакатимиздаушбу натижаларга эришишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастур амал бўлмоқда. Республикамизда Таълим ва фан соҳасиниривожлантириш,узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, чет тиллар, информатика, математика, физика, химия, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган предметларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишинсон омилини ривожлантиришда асосий унсурлардан ҳисобланади.

Инсон омили, инсон капитали ва уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, мамлакат тараққиётини таъминлашда асосий кўрсаткич сифатида назарий ва амалий жиҳатдан юқори баҳолаб, келгуси ёш авлодни ўқитиш, мунтазам билим бериш ва шу йўл билан интелектуал ижтимоий салоҳиятни,туризм ва сервис соҳаларинию қори даражага кўтариш муаммоларига алоҳида эътибор берилмоқда.